


Ҳадис дарслари (95-дарс). Аллоҳнинг илми ва қудрати (Тўққизинчи мақола)



13:30 / 22.07.2020 5813

يَفْعَلُ قَوْلَهُ تَلْقُوفٌ بِعَيْنِكَ نَبِيٌّ بِيَّتِي تَأْتِي مَلِيًّا دَلِيلًا زُرِّيًّا فَنُبِّهَ لَلْأَذْبَعِ لِقَاوِ
يَبْلِقُ نَمُوهٌ دُيُّ نَأْيَ لِعَاغَتِ هَلَلِ لَعَلِّ عِيَّ شَبِي نُنَّ دَحْفِ رَدَقِ لِنَمُوهٍ شِي سَفَن
وَلَوْ مُمُوهٌ لِمَلِاطِرِي غَنَّا كَلِّ هَضْرَأُ لَهْ أَوْ هَتَاوَامَسَ لَهْ أَبَدَّ عِي لِعَاغَتِ هَلَلِ نَأْيَ وَلَ لِقَاوِ
يَفْ أَبَهَ ذِي دُحُّ لِنَمُوهٍ تَقْفِ نَأْيَ وَلَوْ مُمُوهٌ لِمَلِاطِرِي غَنَّا كَلِّ هَضْرَأُ لَهْ أَوْ هَتَاوَامَسَ لَهْ أَبَدَّ عِي لِعَاغَتِ هَلَلِ نَأْيَ وَلَ لِقَاوِ
كَبِاصَأَمٌ نَأْيَ مَلَعَتِ وَرَدَقِ لِبَابِ نَمُوهٍ تَحْكُ نَمُوهٌ هَلَلِ أَلَبَقِ أَمِ لِعَاغَتِ هَلَلِ لِبَابِ سَبَسِ
تَلْحَدَلِ أَدَهْ رِي غِي لَعَتِ تُمُ وَلَوْ كَبِ صِي لِي نَمُوهٍ كَبِ أَطْحَأَمٌ نَأْيَ وَكَئِطِ خِي لِي نَمُوهٍ
نُبَّاهَ فَيُ دُحُّ تِي تَأْتِي مُمُوهٍ لَقَاوِ دُوعَسَمِ نُبِّهَ لَلْأَذْبَعِ تِي تَأْتِي مُمُوهٍ لَقَاوِ رَأْنِ لَلْ
هَلَلِ لِي صِي بِنَلِ لِنَعِي نَتَّ دَحْفِ تَبَاتِ نَبِيٌّ دِي زُ تِي تَأْتِي مُمُوهٍ لَقَاوِ دُوعَسَمِ نُبِّهَ لَلْأَذْبَعِ تِي تَأْتِي مُمُوهٍ لَقَاوِ رَأْنِ لَلْ
دُوَادُ وَبَأْ هَاوَرِ كَلِّ لِنَمُوهٍ مَلِسِ وَهِي لَع

Абдуллоҳ ибн Файруз ад-Дайламий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Убай ибн Каъбнинг ҳузурига бордим ва унга:

«Қадар ҳақида нафсимда бир нарса воқеъ бўлди. Менга бирор нарса айтиб бер. Шояд, Аллоҳ таоло ўшани қалбимдан кетказса», дедим.

«Агар Аллоҳ таоло осмонларининг аҳлини ва ерининг аҳлини азобласа, албатта, У Зот уларга золим бўлмас эди. Агар уларга раҳм қилса, албатта, У Зотнинг раҳмати улар учун ўзларининг амалларидан яхши бўлар эди. Токи қадарга иймон келтирмагунингча ва сенга етган мусибат сени четлаб ўтиши мумкин эмаслигини ҳамда сени четлаб ўтгани сенга етиши мумкин эмаслигини билмагунингча, агар Аллоҳ таолонинг йўлида Уҳуд мислича тиллани нафақа қилсанг ҳам, Аллоҳ уни сендан қабул қилмас. Агар бундан бошқа (эътиқод)да ўлсанг, албатта, дўзахга кирасан», деди».

Кейин Абдуллоҳ ибн Масъудга бордим. У ҳам худди шуни айтди. Кейин Ҳузайфа ибн Ямонга бордим. У ҳам худди шуни айтди. Кейин Зайд ибн Собитга бордим. У ҳам менга Набий алайҳиссаломдан худди шуни айтди».

Абу Довуд ривоят қилган.

Шарҳ: Абдуллоҳ ибн Файруз ад-Дайламий розияллоҳу анҳунинг қалбларига қазои қадар масаласида шубҳа тушиб, «Уни кетказишнинг осон йўли – бу масалани биладиган олим зот билан суҳбатлашиш» деган фикр ила катта ва олим саҳобалардан бўлмиш Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳунинг ҳузурларига бориб, ўз дардларини тўкиб солибдилар. Шунда Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳу ҳаммага ҳам яхши дарс бўладиган ажойиб гапларни айтдилар:

«Агар Аллоҳ таоло осмонларининг аҳлини ва ерининг аҳлини азобласа, албатта, У Зот уларга золим бўлмас эди».

Аллоҳ таоло нафақат одамларни, балки осмонлар аҳлининг барчасини ва ер аҳлининг барчасини йўқдан бор қилган ва уларга ҳаёт ҳамда турли керакли неъматларни ато қилган Зотдир. Бу ишларда У Зотга бирортаси ёрдам ҳам бермаган. Бас, шундай экан, Аллоҳ таоло уларни нима қилса ҳам, жумладан, ҳеч қандай сабабсиз энг ашаддий азоблар ила азобласа ҳам ҳақлидир. Чунки нима қилса, Ўз мулкида қилган бўлади. Аллоҳ таоло заррача сабабсиз барча мавжудотни барча азоблар ила азоблаган чоғида ҳам заррача зулм қилмаган бўлади.

Бас, шундай экан, баъзи бир қазои қадар масаласини тўғри тушунмаган бандаларнинг нотўғри эътирози ила Аллоҳ таолога зулм нисбатини бериш мумкинми?

«Агар уларга раҳм қилса, албатта, У Зотнинг раҳмати улар учун ўзларининг амалларидан яхши бўлар эди».

Агар бандаларнинг амалларига яраша ҳисоб-китоб қилинадиган бўлса, уларнинг амаллари ҳеч нарсага арзимаёй қолиши турган гап. Шунинг учун Аллоҳ таоло бандаларга раҳм қилса, Ўз фазли ила раҳмат қилади. Баъзи бир қазои қадар масаласини тўғри тушунмаган бандаларнинг амаллари яхшилаб ҳисоб-китоб қилинадиган бўлса, улар оғир аҳволда қолишлари турган гап. Гап адолат ёки адолатсизлик ҳақида кетаётгани йўқ. Гап Аллоҳ таолонинг мисли йўқ камолот сифатлари ҳақида, жумладан, дунёдаги бўлажак ҳар бир нарсани азалдан ипидан-игнасигача билиб туриши ҳақида кетмоқда.

«Токи қадарга иймон келтирмагунингча ва сенга етган мусибат сени четлаб ўтиши мумкин эмаслигини ҳамда сени четлаб ўтгани сенга етиши мумкин эмаслигини билмагунингча, агар Аллоҳ таолонинг йўлида Уҳуд мислича тиллани нафақа қилсанг ҳам Аллоҳ уни сендан қабул қилмас».

Биров Аллоҳ таолонинг йўлида Уҳуд тоғича келадиган тиллани нафақа қилди. Аммо унинг қадарга иймони йўқ. Бас, ундан мазкур нафақа қабул бўлмайди.

Биров Аллоҳ таолонинг йўлида Уҳуд тоғича келадиган тиллани нафақа қилди. Аммо у ўзига етган мусибатни «Четлаб қолишим мумкин эди. Шунинг вақтида ва керагича қилмадим», дея афсус-надомат қилади. Бас, ундан мазкур нафақа қабул бўлмайди.

Биров Аллоҳ таолонинг йўлида Уҳуд тоғича келадиган тиллани нафақа қилди. Аммо у ўзига етмаган мусибатни «Усталик билан четлаб қолдим. Агар усталик қилмаганимда, чатоқ бўлар эди», дея фахрланди. Бас, ундан ҳам мазкур нафақа қабул бўлмайди.

Чунки бу нарсаларга иймони йўқ одам мўмин бўла олмайди. Аллоҳ таоло эса мўмин бўлмаган банданинг нафақасини қабул қилмайди. Шунинг учун ҳам:

«Агар бундан бошқа (эътиқод)да ўлсанг, албатта, дўзахга кирасан», деди».

(Давоми бор)

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан